*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2011 йил 18 январь ● сешанба ● № 2 (729) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

## Ҳуқуқий тарғибот:

### адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрда "Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинган.

**УШБУ ҚАРОРГА** асосан Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Давлат патент идораси билан ҳамкорликда бир ой муддатда комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўзткaзиш тўғрисидаги Низомнинг асосий мақсадлари ва моҳиятини тушунтириш, республика ҳудудида франшизингни ривожлантиришнинг афзалликлари тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ўртасида давра суҳбатларини ташкил этиш, ихтисослаштирилган семинарлар ва тренинглар ўтказиш ҳақидаги ташкилий тадбирлар режасини тасдиқлаган.

Яқинда юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул қишлоғи фаоллар йиғинидаги Маънавият ва маданият марказида ихтисослаштирилган семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда тадбиркорлик субъектлари, ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, солиқ ва ички ишлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилот вакиллари, маҳалла фуқаролари ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Семинар-тренинг қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди ва бу каби тадбирлар яна давом эттирилиши режалаштирилди.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"

## Эзгулик йўлида

### тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда

**МАЪЛУМКИ, мустақиллигимизнинг илк йилларироданоқ муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва тадбиркорлик учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа қилиб белгиланди. Конституциямизда хусусий мулкнинг дахлсизлиги қайд қилиниб, давлат ҳимоясига олинди.**



МУСТАҚИЛЛИК йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида республикамизда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш бўйича қулай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида имтиёзлар ва преференциялар жорий қилинди. Қилинган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, **"Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда"**.

Хусусан, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонлари, "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар асосида бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилишдек соддалаштирилган тартиби жорий этилди, улар фаолиятини фақат солиқ органлари текшириши, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар фақат суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилди.

2 ▶

"ОБУНА — 2011"

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган "АДОЛАТ" нашриёти давлат корхонаси**




### ҲУРМАТЛИ ОБУНАЧИЛАР!

Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан йил давомида тезкор тарзда танишиб боришни истасангиз,

***АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ" — "СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН" РАСМИЙ НАШРИГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!***

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" — "Собрание законодательства Республики Узбекистан" ҳафталик расмий нашр бўлиб, йил давомида 52 та сон чоп этилади ҳамда йил охирида барча ҳужжатлар билан қисқа тарзда танишиш имконини берувчи "Кўрсаткич" — "Указатель" сонини бепул олишингиз мумкин.

**Индекс: 949**

Шунингдек, ҳар чоракда ***"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ" — "СБОРНИК МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН"*** расмий нашри ҳам чоп этилади.

**Индекс: 916**

Мазкур расмий нашрларга "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" акциядорлик компанияси ҳамда (тел: 234-85-99, 233-60-78), "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ"нинг жойлардаги бўлимлари, "INTER-PRESS Group" қўшма корхонаси (тел: 119-00-00), "BTL ARZI MEDIA" тел: (150-30-50, 239-47-34) масъулияти чекланган жамияти орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, "Адолат" нашриётидан ҳуқуқий адабиётлар — Ўзбекистон юридик энциклопедияси, сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан нашр этилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги ҳамда нотариат тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Солиқ, Меҳнат, Божхона ва Ер кодекслари (ўзбек ва рус тилларида) ҳамда Ўзбекистон Республикаси кодекслар тўпламини накд пул ва пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточкаси орқали харид қилишингиз мумкин. "Адолат" нашриёти ҳуқуқий адабиётларни расмий нашр этишга ихтисослаштирилган ягона нашриёт.



Батафсил маълумотларни қуйидаги телефон рақамларидан олишингиз мумкин: **Обуна бўлими: 233-67-65, маркетинг бўлими: 233-81-53, 233-84-80 факс. Манзил: "АДОЛАТ" нашриёти: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон, 41.**

Назар

## Соғлом, миллий ғурури баланд фарзандлар

### Ватанни асрайди, юрт шаънини улуғлайди



### АСРАМОҚ СЎЗИДА ҲИКМАТ БОР

*Эътибор берганмисиз, полапонларини инида, қаноти остида олиб ётган қуш доим атрофга ҳушёр қарайди. Полапонларини бирор кушанда еб қўймаслиги учун уларни эҳтиётлаб қанотлари остига олади.*

*Ойим билан мактабдан уйга қайтаётгандик, бирдан жала қуйиб қолди. Ойим тезда рўмолини ечди-да, елкамга ташлади.*

*— Ойи, ўзингизга-чи? — десам ҳам парво қилмади.*

*Онам мени ёмғирдан пана қилди. Оналар фарзандларини асрайдилар, Она Ватан дейилиши бежиз эмас. Зеро, Она Ватан ҳам ўз ўрнида умид ва ишонч билан фарзандларини асрайди.*

*— Ўқувчиларимга доим "Дунёда иморатларнинг энг буюги мактаб" экан, уни кўз қорачиғидек асраш, авайлаш керак", деб кўп уқтираман, — дейди Зангиота туманидаги 47-умумтаълим мактаб директори Вазира Сулаймонова. — Шукрким, мустақиллик шарофатидан бугун билим даргоҳимиз обод, кўркам қиёфага кирган.*

2 ▶

Адлия ёрдам берди...

## Ўзбошимчаликка чек қўйилди

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимида ҳар бир тадбиркорнинг мурожаати атрофлича ўрганилиб, ўз вақтида қонуний чоралар кўрилмоқда.**

НУКУС ШАҲРИДАГИ "Мустафа" хусусий корхонаси раҳбари Г.Тлепбергенова шу шаҳарда яшовчи айрим фуқароларнинг ноқонуний ҳаракатлари хусусида мурожаат қилиб, масаланинг ҳал этилишини сўраган эди. Аниқланишича, "Мустафа" хусусий корхонасига йўл чорраҳаси ёнида жами 496 кв. метр бўлган ер участкаси тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда берилган. Корхона белгиланган ер солиғини доимий тўлаб келган. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қурилган иморатнинг орқа томонидаги 75 кв. метр ер майдони келгусида фойдаланиш учун очиқ қолдирилганди. Мазкур ер майдонида ўзгалар томонидан ноқонуний тарзда қурилиш ишлари олиб борилгани маълум бўлди. Ўрганишлар натижасида корхонанинг 75 кв. метр ерини олиб бериш ва ўзбошимчалик билан қурилган қурилишларни ҳамда дарвозани жавобгар шахс ҳисобидан бузиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига даъво ариза киритилди. Шу юзасидан чиққан ҳал қилув қарори ҳамда ушбу суднинг ижро хатига асосан суд ижрочилари томонидан корхонага ўз ер майдони олиб берилиб, ноқонуний қурилган қурилишлар мажбурий тарзда буздирилди ва тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

**Қазбек ОРТИҚОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходими**



***Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ишонч телефонлари***

| | |
|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09 |
| 2 | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (361) 008, 223-34-00, 223-71-93 |
| 3 | Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 008, 262-92-42, 269-14-45 |
| 4 | Андижон вилояти адлия бошқармаси (374) 008, 224-42-31, 224-45-94, 222-30-89, 224-57-81 |
| 5 | Бухоро вилояти адлия бошқармаси (365) 008, 223-74-16, 223-21-20 |
| 6 | Жиззах вилояти адлия бошқармаси (372) 008, 771-64-71 |
| 7 | Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси (375) 008, 223-01-64, 223-01-73 |
| 8 | Навоий вилояти адлия бошқармаси (436) 008, 223-80-47, 223-01-38 |
| 9 | Наманган вилояти адлия бошқармаси (369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33, 226-78-93 |
| 10 | Самарқанд вилояти адлия бошқармаси (366) 008, 233-04-62, 233-39-12, 233-22-59, 233-52-31 |
| 11 | Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси (376) 008, 223-26-84 |
| 12 | Сирдарё вилояти адлия бошқармаси (367) 008, 235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50 |
| 13 | Тошкент вилояти адлия бошқармаси (371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96, 280-51-04, 253-82-61 |
| 14 | Фарғона вилояти адлия бошқармаси (373) 008, 224-15-49 |
| 15 | Хоразм вилояти адлия бошқармаси (362) 008, 226-86-47, 226-65-50 |
| | E-mail: info@minjust.gov.uz |

# Эзгулик йўлида

## Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига янгидан ташкил этилган тузилмаларга ушбу қонун ҳужжатларини амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Тадбиркорлар қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эмин-эркин фаолият кўрсатишларига тўсқинлик қилинаётган ҳолатларни бартараф этиш адлия идораларининг ҳам энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг **“Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”**ги қарорига кўра, қонун ҳужжатларини амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бошқарма томонидан 2010 йилда бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тадбиркорлардан ва хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушган 102 та ҳамда “Ишонч телефони” орқали қабул қилинган 127 та мурожаат кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал этилди.

Мурожаатларни ўрганиб чиқиш натижалари ва тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида аниқланган ҳолатлар бўйича тадбиркорлик субъектлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ваколатли органларга 22 та маъмурий таклиф, 207 та тақдимнома, 49 та ёзма кўрсатма киритилиб, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида 71 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди.

Кўрилган таъсир чоралари натижасида жами 19 нафар ҳуқуқбузар шахс маъмурий жавобгарликка, 328 нафари интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 33 нафари вазифасидан озод қилинди ҳамда ҳокимлик, назорат қилувчи ва бошқа идораларнинг 103 та қарор ва бошқа ҳужжатлари бекор қилинди ёки ижроси ҳаракатдан тўхтатилди. Тадбиркорлик субъектлари фойдасига ташкилотлар ҳисобидан 170 миллион сўмдан ортиқ маблағлар ундириб берилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга 349,4 миллион сўмлик 230 та даъво аризаси киритилиб, суд қарорлари асосида тадбиркорлар фойдасига 341,3 миллион сўм миқдорида асосий қарз билан биргаликда уларга етказилган 39,7 миллион сўм моддий ва маънавий зарарлар ҳам ундирилиши белгиланди.



Шу ўринда, муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги **“Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир”** мавзуидаги маърузасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар узвий давом эттирилишини таъкидлаб, мамлакатимизда кириб келаётган янги — 2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши иқтисодиётимизнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлди ва адлия идораларига қўшимча масъулият юклади. Янги 2011 йилда қиладиган ишларимизни яна бир марта қайта кўриб чиқиб, йўналишларимизни белгилаб олдик.

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** мавзуидаги маърузасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишларида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим стратегик вазифаларни белгилаб берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, пировард мақсадда уларнинг мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун бор кучимиз ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

**Алишер МАРДИЕВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

# Ёруғ уй устуни

ҲАР БИР инсон ҳаёт йўлини ўзи танлайди. Бироқ билиб-билмай қилинган хатти-ҳаракат туфайли айрим оилаларнинг ҳаёти издан чиқиб, боши берк кўчага кириб қолади. Бунда уларга бироз мадад, йўл-йўриқ, тўғри маслаҳат, йўналиш зарур. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган отахон ва онахонларимиз билан биргаликда нотинч оилаларга бориб, бераётган маслаҳат ва ёрдамларимиз зое кетмаяпти. Тўй, маърака ва бошқа тадбирларни дабдабасиз, ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш борасидаги ишларимиз яхши самара беряпти. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида 344 нафар жуфтликнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. 1841 нафар чақалоқ дунёга келди.

АҲОЛИНИНГ, айниқса хотин-қизларнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида туманимиздаги 5 та касб-ҳунар коллежи, 31 та мактаб, 37 та маҳаллада “Оила — муқаддас Ватан”, “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз”, “Бола тарбиясида оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги”, “Соғлом фарзанд — соғлом келажак”, “Исм танлаш санъати”, “Тиббий кўрик — оила асоси” каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ўз навбатида айрим оилавий муаммолар хусусида тўхталиш жоиз. Ўтган йилга эътибор қаратсак, 9 ой мобайнида туман миқёсида 22 та ажрим қайд этилган. Бунинг сабаби шундаки, 13 та оила бундан 5-6 йилдан буён умумий рўзғор юритмайди, лекин қонуний ажралишни ортга суришган. Натижада айрим муаммолар юзага келган. Бири (эр) никоҳни бекор қилмай туриб, бошқа аёлга уйланган, яна бири (аёл) собиқ эрининг никоҳида туриб, бошқа оила қурган. Биз ана шундай оилаларни аниқлаб, никоҳни бекор қилиб, ажрим чиқардик. Айтмоқчиманки, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш керак. Акс ҳолда ўша оилаларда муаммолар келиб чиқади, эр ёки хотин қонуний ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолиши ҳеч гапмас.

Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Шундай экан, бу ҳаётни роҳат-фароғатда ўтказиш, қўшгани билан қўша қариб, умргузаронлик қилганга нима етсин. Тинч-тотув оила даврасида невара-чеваралар оғушида бахтли ҳаёт кечириб келаётган бобо ва момоларимизга ҳавас қиламиз. Уларнинг босиб ўтган мардона умр йўллари барчамизга ибрат бўлиши керак.

**Инобатхон ЖАЛИЛОВА,**
**Булоқбоши тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

Қонун барчага баробар

# НКМни ишлатмаслик

## ва ҳужжатсиз товарлар жарима қўлланилишига олиб келди



**БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан якка тартибда тадбиркор Мавлуда Исақовага қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Булоқбоши тумани ҳудудий комиссиясининг 2010 йил 9 апрелдаги рухсатномаси ҳамда ДСИ бошлиғининг буйруғига асосан олиб борилаётган эди.**

СОЛИҚ ХИЗМАТИ ходимлари томонидан тадбиркорларга текшириш учун асос бўлган ҳужжатлар кўрсатилиб, текширишларни рўйхатга олиш китоби сўралди. Аммо, у нимагадир тўнини тескари кийиб, ҳужжатлар билан танишганлиги ҳақида тилхатга имзо қўйишдан бош тортди. Текширишларни рўйхатга олиш китобини ҳам бермади. Бу ҳақда солиқчилар холис гувоҳлар иштирокида далолатнома тузишди ва текширишни бошлаб юборишди.

Текшириш давомида тадбиркор томонидан 138 минг 800 сўмлик савдо тушум пуллари назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, дўконда 11 миллион 633 минг сўмлик ҳеч қандай кирим ҳужжатларисиз, сифат сертификатларисиз товарлар билан савдо қилинаётган эди. Шу билан бирга 107 миллион 507 минг 411 сўм савдо тушум пуллари НКМга кирим қилинмасдан банкка топшириб юборилган.

Текширишдан сўнг даъвогар — Булоқбоши тумани Давлат солиқ инпекцияси якка тартибдаги тадбиркор Мавлуда Исақовага молиявий жарима қўллаш ҳақида даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Иш тадбиркорнинг иштирокида кўриб чиқилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолати учун тадбиркорга Солиқ кодексининг 114-моддасига мувофиқ кирим ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотлар қийматига тенг миқдорда, яъни 11 миллион 633 минг сўм ҳамда 119-модданинг биринчи қисмига биноан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, яъни 1 миллион 130 минг 400 сўм молиявий жарима қўлланилди.

**Шоҳруҳбек ЭГАМНАЗАРОВ,**
**Андижон вилояти ДСБ ахборот хизмати бош мутахассиси**

Талқин

# Юксак қадриятлар сарчашмаси

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ҳуқуққа ҳурмат билан қараш, уни ўрганиш ва ижро этиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишни ўзида мужассам этиб, асосий мақсад — ҳуқуқий давлатни барпо этишда адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.**

АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий онгини янада юксалтириш борасида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур дастурда давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш ва шу орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга кўмаклашиш каби устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада оширишга доир давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг яна бир ифодасини Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 июлдаги **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрсида”**ги Қонуни мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу Қонуннинг 4-моддаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида, болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш деб белгиланган.

Ҳозирда жамиятини ҳуқуқий маданиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тарихда ҳуқуқ пайдо бўлиши биланоқ ҳуқуқий маданият ҳам шакллана борган.

Халқнинг ҳуқуқий маданияти қанчалик юксак бўлса, давлат ва ҳуқуқ олдига қўйилган функцияларнинг бажарилиши ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ҳуқуқий онг — фан, маданият, урф-одат ва бошқа қадриятлар каби ижтимоий онг шаклларидан биридир. Ҳуқуқий онгнинг асосий мазмуни шуки, у бир томондан, ҳуқуқни тушуниш, уни билиб олиш ва ўзлаштиришни англатса, иккинчи томондан, билиб, англаб олинган ҳуқуқий ҳужжатга ёки ҳуқуқий нормага нисбатан ўз муносабатини билдириб, содир этиладиган хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)ни билдиради.

Ҳуқуқий маданият таркибига адолатлилик, тенглик, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ҳуқуқий онг киради.

Ҳуқуқий маданият яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш, овқатланиш, даволаниш, тозалик ва озодалик қоидалари сингари, инсонларнинг кундалик ҳаётига, турмуш тарзига кириб бориши, давлат ва жамият тараққиёти учун ғоят муҳим шарт ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлат барпо этилаётган бугунги кунда юксак ҳуқуқий маданият ҳам талаб этилади. Бундай вазиятда оддий кишилар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари, Конституция, меҳнат, фуқаролик, мулк ва мерос, жиноят, оила ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳеч бўлмаганда умумий тарзда танишган бўлишлари лозим.

Ҳуқуқий маданиятли, одоб-ахлоқ нормаларига эга бўлган инсонлар кўпая борган сари мамлакатда бирлик ва осойишталик янада мустаҳкамланиб, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари бошқаларники билан адолатли равишда уйғунлашади.

**Шавкат ХАҚНАЗАРОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи,**
**Музаффар СОЛИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# Соғлом, миллий ғурури баланд фарзандлар

## Ватанни асрайди, юрт шаънини улуғлайди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

**“КИНО ДИМ ЁҚМАДИ, ОПА!”**

Уйимизда меҳмонлар бор эди. Кечки нонуштадан сўнг телевизорда “Император аёл” номли корейс сериали бошланиб қолди. Биз қатори тўрт яшар меҳмон қизалоқ — Заҳро ҳам экран қаршисига жойлашиб олди. Сериалдаги воқеалар ривожи уруш лавҳаларидан бошланди. Қиличбозлик қилиб, ким кимнинг бошини, қўлини кесган. Қизаёллар ҳар томонга қочиб, дод солади. Жанг майдони ўликлар билан тўлди. Очиғи, жангари саҳналари кўп бўлган киноларни хушламайман. Юрагим алланечук бўлиб кетади.

Сериалдан кўзимни олиб секингина ошхонага чиқдим. Деразадан ташқарини кузатдим. Машиналарнинг у ёқдан-бу ёққа ўтиши, ой ёруғида саёҳат қилаётган ошиқ-маъшуқлар, ҳовлини тўлдириб бекинмачоқ ўйнаётган шўх-шодон болалар, қўлида боласини кўтариб эркалаётган ота-оналар. Уларга қараб кинодаги қўрқинчли урушдан бир зум чалғигандай бўлдим. Ажойиб, тинч замонда яшаяпмиз-а! Мусаффо осмонимизда ёруғ юлдузлар чарақлаб турибди. Хаёлимни меҳмон қиз бузди.

— Кино дим ёкмади, опа! — деди у ўз шевасида.

— Нега?

— Қаранг, ёмон одамлар қизларни ўлдириб ташлади, ахир! — дея у юзларини жажжи қўлчалари билан бекитди.

У ҳам менга ўхшаган экан, уруш киноларига юраги дош бермабди. Тўғри-да, осуда юртнинг митти эркаси. Уруш нелигини кўрмаган. “Бундан кейин ҳам асло кўрмагин болажон, урушнинг номи ўчсин!” дегим келди беихтиёр.

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан? — сўрайман ундан.

— Наргиз опамдек милиционер бўлмоқчиман. Ойимни, акамни, юртимизни асрайман!

Унинг худди катталар ўргатиб қўйгандек бурро-бурро гапириши завқимни оширди. Ҳа, осойишта юртдаги соғлом фарзанднинг фикрлаши ҳам шундай соғлом бўлади-да!

Бу азиз Ватанни соғлом авлодлар асрайди, дея ўйладим.

**ИШОНЧ ВА ТАЯНЧИМИЗ**

Юрт равнақи, тинчлиги, фаровонлиги учун қалб қўри, куч-қудратини бахш этадиган, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш халқимизнинг энг эзгу орзуси, албатта.

Президентимизнинг “Ёшларимиз — халқимизнинг ишончи ва таянчи” китобида **“Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонига кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур”,** деб таъкидлаган сўзлари бугун ўз рўёбини топмоқда.



Хусусан, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи, доимий равишда спорт билан шуғулланувчи ёшларга дунёнинг ривожланган давлатлатларида ташкил этилаётган турли халқаро мусобақаларда иштирок этиш имконияти яратилмоқда. 2010 йил биринчи ярим йиллигида ўтказилган 21 та халқаро спорт тадбирларида **283 нафар** (шундан 95 нафари қизлар) ёшлар иштирок этишди. Шулардан, 184 нафарини қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи ўқувчи-ёшлар ташкил этади. 6 ой давомида халқаро мусобақаларда иштирок этган ёш спортчилар теннис, бадиий гимнастика, стол тенниси, дзюдо, таэквандо, сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, сув полоси турларидан 33 та олтин, 9 та кумуш ва 13 та бронза медалларига сазовор бўлишган.

Қолаверса, юртимиз бўйлаб янги бунёд этилган спорт иншоотлари ҳам бу ютуқларнинг бир манбаи десак муболаға эмас. Биргина 2009 йилнинг ўзида республикамизда қатор спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги V, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги IV, Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг Хасанбой мавзесидаги II тип спорт мажмуаси, шунингдек, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Питнак шаҳридаги, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 44-умумтаълим мактабидаги, Сирғали тумани 17-БЎСМ ёпиқ сузиш ҳавзаларининг қуриб фойдаланишга топширилгани кўпчиликни қувонтирди.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, дунё мамлакатларида ўқувчи ҳамда талаба ёшларнинг турли даражадаги спорт мусобақалари ўтказилади. Аммо ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бизда амал қилаётган тизимига ўхшаш мукаммал, узлуксиз тизим жаҳон тажрибасида кузатилмаган. Эътиборлиси шундаки, бу тизим дунёнинг кўпгина давлатларида қизиқиш уйғотмоқда. МДҲ давлатларида, АҚШнинг Виржиния Вич штатида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда уч босқичли бу тизим тўғрисида сўз юритилганда Ўзбекистонда яратилган бу янгилик ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Тизимнинг ибратли жиҳати шундаки, ёшлар ўз интилишлари самарасини мусобақалар босқичига ўтишда кўриб, ҳис этади. Бу эса улардаги аниқ мақсад сари интилиш туйғуларини кучайтиради, минглаб ёшларни дўстлаштиради, бирлаштиради, уларни эзгуликка, мардликка чорлайди, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қолаверса, у халқаро Олимпия ҳаракатида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган Ўзбекистон учун қудратли спорт захирасини барпо этиш имконини яратади. Бу тизим таркибидаги мусобақаларнинг барчаси Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, унинг келажаги ва тинчлигини таъминлашда ўта муҳимдир. Шу билан бирга, мазкур мусобақаларнинг финал босқичида қатнашган фарзандлар ўйинлар ўтказилган вилоятларда бўлиб, у ердаги тарихий обидалар билан танишадилар, дарсликларда ўқиган юрт тарихига оид осори атиқаларни ўз кўзи билан кўриб, ҳам билимларини оширадилар, ҳам боболар қолдирган маданий меросдан ғурурланадилар. Бундан янада юксак марраларни забт этишга руҳан мадад оладилар.

Ушбу мусобақаларда ёшларнинг муваффақиятли иштирок этишлари натижасида республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги ёшлар ҳам турли даражадаги халқаро мусобақа, турнир ва ўртоқлик учрашувларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар. Жумладан, 2010 йилнинг июль ойида Сингапурда ўтказилган ёшларнинг биринчи олимпиадасида спортчиларимиз 3 та кумуш, 5 та бронза медални қўлга киритдилар. 204 нафар иштирокчи орасидан Нилуфар Гадоева, Мансур Мўминхўжаев, Аҳмаджон Мамажонов, Зоҳиджон Ҳурбоев, Нурбек Ҳаққулов, Сардорбек Бегалиев, Руслан Комиловнинг ютуқларини алоҳида эътироф этиш мумкин.

**Хулоса ўрнида**

Шулар ҳақида мулоҳаза қилар эканман, асрамоқ сўзининг моҳиятини янада чуқурроқ англадим. Чиндан ҳам, халқ тили билан айтганда, илиги тўқ, жасур, ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол авлодлар юртимиз номини дунёга таратади. Она Ватан шаънини улуғлайди, асраб-авайлайди. Спортчи ҳамюртларимизнинг бу ютуқларини эшитгач, ҳар биримизнинг қалбимиздан бир туйғу кечади — юртимизда ана шундай соғлом авлодлар камол топаётган экан, Ватанимиз сарҳадларида доим тинчлик, осудалик ҳукм суради, юртимиз иқболи ёруғ бўлаверади.

**Ҳулкар ФАРМОН қизи,**
**журналист**

Депутат минбари

# Ҳуқуқий маданият

## уни шакллантириш демократик жамият барпо қилишнинг муҳим шартларидан бири



**Зиёвиддин МАНСУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг Қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** номли маърузасида **"Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори,** — деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, жамият ривожланса, демократия қарор топса, қонун устуворлиги таъминланса-ю, қонунларга ҳурмат туйғуси тарбияланмаса, кўзланган эзгу мақсадларга эришиш қийин кечиши табиий. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг юқоридаги мулоҳазалари ҳар бир фуқарога катта масъулият юклайди. Чунки дахлдорлик, масъуллик туйғусигина бизни олға босишимизга асосий омил бўлишини ҳеч ким инкор этмаса керак. Жамиятимизда бўлаётган жараёнларга лоқайдлик сингари ҳолатлар ҳамон онда-сонда бўлса-да учраб туриши ҳар қандай виждонли одамни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Бу фикрлар барча жабҳалар қатори ҳуқуқий маданият масаласига ҳам бевосита боғлиқ. Негаки, инсон бошқа жонзотлардан нафақат онг-тафаккури, тили, маънавияти ва бошқа олижаноб фазилатлари, балки ҳуқуқий маданиятга эга эканлиги билан ҳам тубдан фарқ қилади. Бироқ таассуфлар бўлсинки, ўтган тоталитар тузум даврида инсон ҳуқуқлари, қадриятларининг топталиши оддий бир ҳол эди. Инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланиб, ўз тараққиёт йўлларини белгилаб олган мустақил мамлакатимиз Конституциясининг иккинчи боб, ўн учинчи моддасида "...**демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади**", — деб белгилаб қўйилди. Ана шу олий қадриятни таъминлаш ҳам мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласи ҳам долзарб вазифа сифатида қўйилди ва бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида БМТ ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланган ҳаракат режасига мувофиқ, жамиятда инсон ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши инсон ҳуқуқи соҳасида таълимнинг мавжудлигига боғлиқ. Яъни билим, тажриба ва позицияларини шакллантириш йўли билан инсон ҳуқуқи умумий маданият яратиш учун қўлланиладиган таълим бериш, тарқатиш ва ахборот беришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида муҳим омил ҳисобланиб, қуйидагиларга йўналган бўлади:

**Биринчидан,** инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлаш; инсоннинг шахс сифатидаги ва инсоний қадр-қимматини ҳар томонлама ривожлантириш;

**Иккинчидан,** барча миллатлар ва халқлар иркий, миллий, этник, диний ва тил гуруҳлари орасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик, жинс тенглиги ва дўстлигига кўмаклашиш;

**Учинчидан,** барча инсонлар учун эркин жамият ҳаётида самарали иштирок этишини таъминлаш;

**Тўртинчидан,** тинчликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тадбирларига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"**, инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича БМТ шартномавий органлари тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ўқитиш ва таълим тизимини шакллантирди. Мазкур миллий тизим мактабдан олдинги ва мактаб ёшидаги, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари, малака ошириш курси тингловчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқаларни қамраб олади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифат тизими шакллантирилган, таълим муассасалари иш жадвалига "Инсон ҳуқуқлари" ва "Бола ҳуқуқлари" махсус курслари киритилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш мавзусига оид йигирмадан ортиқ махсус журнал ва газеталар чиқарилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий асослари ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва суд органлари ходимларининг фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат органлари фолиятида инсон ҳуқуқи маданияти тушунчаси моҳиятини тушунтириш бўйича, аҳоли орасида ахборот-маърифат фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қабул қилишни тақозо этмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ана шу масалага бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Шуни назарда тутиб, конференция иштирокчилари қуйидагиларни тавсия этдилар:

— Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳим вазифалардан бири сифатида, айниқса қишлоқ жойларида, инсон ҳуқуқи маданияти соҳасида маърифат ва таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш долзарб вазифа, — деб ҳисоблансин.

— Давлат органлари, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳар бир инсон — аёл, эркак ва бола — ўзининг барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш усуллари ҳақида хабардор бўлиши учун ўқув-маърифат фаолиятини кенгайтириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурати тан олинсин.

— Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бош прокуратура инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилаш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқсин.

— Оммавий ахборот воситалари, шу қаторда нодавлат ОАВ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича аҳолини маърифатли қилиш ва ахборот беришни кучайтириш, давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар, идоралар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларни ёритиш тавсия этилсин.

— Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг муҳокамасига бағишланган тадбирлар доирасида мазкур конференция материалларини нашр эттирсин ва уларнинг кенг тарқатилишини таъминласин...

Тавсиялар гарчи республика миқёсида вазирлик, идора, корхона-муассасалар даражасида белгиланган бўлса-да, улардан минтақа ва ҳудудий миқёсларда ҳам фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш зарурки, унда"Адолат" СДПсига алоҳида вазифа юкланган бўлса-да, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдек долзарб вазифа барча сиёсий партиялар қаторида бизнинг ЎзХДП учун ҳам тааллуқли. Чунончи, партиямиз ҳаракат Дастурида қайд этиб ўтилганидек, жумладан, бизнинг партия тенглик, озодлик, адолат, бирдамлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари, тинчлик принциплари ҳамда халқимизга хос бўлган миллий ва умуминсоний демократик қадриятларга амал қилади. Чунки мамлакатимиздаги мавжуд партиялар гарчанд сиёсий куч сифатида алоҳида бўлсалар-да, мақсадларимиз муштарак, у ҳам бўлса, истиқлол ғояларига хизмат қилиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фаол ҳаракатда бўлишдир.

Шу сонга хабар

# Ғолиб бўлди



БУГУНГИ КУНДА газета, журнал ҳамда интернет саҳифаларида чоп этилаётган ҳуқуқий мавзулардаги мақолаларнинг таҳлилий жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланаётганлигини англаш қийин эмас. Уларнинг айнан мазмунан юксалишида эса ўтказилаётган турли кўринишдаги танловларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Адлия вазирлиги томонидан анъанавий тарзда уч йилдан буён ўтказилаётган **"Адлия идоралари ОАВ нигоҳида"**, Олий хўжалик судининг **"Энг яхши ҳуқуқий мақола"** кўрик-танловлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси томонидан ўтган 2010 йил давомида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ишларига ҳисса қўшиш мақсадида **"Энг яхши ҳуқуқий мақола"** кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Мазкур танловда республика хўжалик судларининг судья ва суд ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, адвокатлар, талабалар ҳамда ҳуқуқ йўналишида қалам тебратадиган ижодкорлар иштирок этишди.

Танловда Адлия вазирлиги Иқтисодий қонунчилик бошқармаси катта маслаҳатчиси Мавлон Муҳитдинов ҳам ўзининг **"Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражини ривожлантириш истиқболлари"** сарлавҳали мақоласи билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

М.Муҳитдинов Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва ахборотномасининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаси билан тақдирланди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Омма ва ОАВ

# Матбуот ижтимоий фикрни шакллантиради

## Айрим ташкилот ва идораларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги оқсаётган айни вақтда Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бу борада фаоллик кўрсатди



ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ҳуқуқий демократик жамиятда ижтимоий фикрни шакллантириш, жамоатчилик эътиборини жалб этишда асосий манба ҳисобланган матбуот кучи айрим идора мутасаддиларининг эътиборидан нима учундир четда қолиб кетмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сонли қарорида ахборот хизматлари томонидан ҳар ойда камида бир марта матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилиши кўрсатилган бўлса-да, аксарият идора ва ташкилотларда бирор марта ҳам бу каби тадбирлар ўтказилмаган.

Маълумки, "Ахборот асри" давлат бошқарув органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини, ахборотнинг ўз вақтида жамоатчиликка етказилишини, янгиликни, тезкорликни талаб қилади. Мамлакатимизда бу борада қонунчилик тизими такомиллашиб бормоқда.

Жорий йилнинг илк ойида Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"га бағишланган биринчи матбуот анжумани ўтказилди.

Маърузачилар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 2010 йилнинг 15 декабридан 2011 йилнинг 15 январигача республика ҳудудида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" давомида "транспорт воситалари ойналари тусини ўзгартириш ва қорайтириш" қоидабузарликлари юзасидан 108 та, "давлат рақам белгиларисиз автоуловни бошқариш" қоидабузарликлари юзасидан 31 та, "белгиланган тезликни ошириш" қоидабузарликлари юзасидан 5210 та, "қувиб ўтиш" қоидабузарликлари юзасидан 826 та, "транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш" қоидабузарликлари юзасидан 310 та ҳолатлар аниқланиб, уларнинг ҳайдовчиларига нисбатан тегишли кескин чоралар кўрилганлиги шаҳар бўйлаб 183 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, 77 та йўл белгилари янгисига алмаштирилганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, бу йўналишда шаҳар бўйлаб 16 та йирик бозорларнинг кириш ва чиқиш жойларига, улардаги мавжуд автотураргоҳлар кириш қисмига, 12 та шаҳар бўйлаб жойлашган катта чорраҳаларга 6x3 ўлчамдаги, 4 та кўча ва йўлларнинг эни бўйлаб 1,5x8 ўлчамдаги "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилаётганлиги юзасидан рекламалар жойлаштирилган бўлиб, шаҳар марказидаги 14 та чорраҳаларда ўрнатилган видеомонитор қурилмаларига мунтазам равишда такрорланувчи роликлар киритилганлигини қайд этди.

Матбуот анжумани, брифинглар, журналистлар билан мулоқотлар, ОАВда чиқишлар орқали ҳар бир ташкилот ва муассасанинг олиб бораётган фаолиятини кенг жамоатчилик ўрганади, муносабати шаклланади. Миллий Матбуот марказида кўпгина идора ва ташкилотларга ўрнак бўлишга арзийдиган даражада ташкил этилган мазкур матбуот анжумани бунга мисолдир.

**Аслиддин СУЮНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий Мажлисининг тегишли қўмиталари томонидан "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ва "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ижроси ўрганилганда айрим муассасалар ҳамда давлат идоралари фаолиятида бу йўналишга етарлича эътибор берилмаётганлиги аён бўлди. Қуйи палата депутатларининг хулосаларига кўра бир нечта давлат идоралари ва ҳокимликларда ҳанузгача ахборот хизмати йўлга қўйилмаган, мавжуд хизматларда ҳам муассасанинг бошқа лавозимидаги шахс қўшимча иш сифатида бошқариб келмоқда.**

# Норасмий никоҳ

АМАЛДАГИ Қонунчилигимизда никоҳ тузишга монелик қиладиган баъзи ҳолатлар ҳам ўз аксини топганки, бу ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Оила кодексининг 16-моддасига мувофиқ лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар, лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузилишига йўл қўйилмайди. Афсуски, орамизда қонуннинг мазкур талабига эътиборсиз юртдошларимиз ҳам бор.

Баъзан, иш фаолиятимиз давомида никоҳ ёшига етмай туриб, ноқонуний турмуш қуриш ҳолларига ҳам дуч келяпмиз. Бу ҳолатдан қачонки ёшлар фарзандли бўлиб, туғилганлик ҳақида гувоҳнома олгани келганларидагина хабар топамиз.

Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш зиммамизга жиддий масъулият юклайди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг оила, никоҳ масалаларига ўта эътиборли бўлишлари талаб қилинади. Шу мақсадда 2010 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ФҲДЁ бўлими томонидан 58 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. "Оила дорилфунуни" ва "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув машғулотларида 1357 нафар ёшлар ҳамда никоҳланувчилар иштирок этди. Шаҳримиздаги 7 та касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув машғулотларида олган билимлари кўрик-танлов асосида синовдан ўтказилди. Фахрли ўринлардан ташқари 7 та номинация бўйича ғолиблар аниқланган мазкур танлов вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, давлатимиз раҳбари Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанада **"Соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳалларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа, деб билишимиз даркор"** дея бежизга таъкидламаганлар. Зеро, Юртбошимизнинг бу сўзларини нафақат биз ҳуқуқшунослар, балки ҳар бир ҳамюртимиз теран англаб етиши зарур.

**Шаҳноза ИМОМОВА, Марғилон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири**

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Фарғона вилоятида**

Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ёзёвон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Гулистон шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қорақалпоғистон Республикасида**

Элликқалъа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Андижон вилоятида**

Андижон шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Улуғнор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бўз туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Балиқчи туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўрғонтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Асака туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Избоскан туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтаобод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жалолқудуқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Бухоро вилоятида**

Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Қашқадарё вилоятида**

Қарши шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаши туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нишон туман 2-сон давлат нотариал идорасида

**Навоий вилоятида**

Навоий шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Сурхондарё вилоятида**

Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Фарғона вилоятида**

Бешариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қувасой шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Марғилон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Хоразм вилоятида**

Қўшкўпир туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент вилоятида**

Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пискент туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийўл туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чирчиқ шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қибрай туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳрида**

Мирзо Улуғбек туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмазор туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Шайхонтоҳур туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ҳамза туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ҳамза туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учтепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 17 февраль)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ "ХАЛҚ БАНКИ"НИНГ

*Самарқанд вилояти Амалиёт бўлими ходимлари* ***ЯНГИ — 2011 ЙИЛ*** *кириб келиши муносабати билан Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни чин дилдан табриклайди!*

*Доимо элимиз дастурхони тўкинсочин, ризқи бут, осмонимиз мусаффо, йўлимиз ёруғ бўлсин!*

# Тарбия – улуғ масъулият

**ЧАҚАЛОҚ дунёга келди. У ўз оиласига қувонч ва бир олам орзулар улашди. Бамисоли оппоқ саҳифа.**

АЙТИШ ЖОИЗКИ, бу мурғак вужуд тарбияга муҳтож. Аста бўй чўзаётган ёш ниҳол мисол парваришланиши, шамолу ёмғирлардан асралиши шарт. Халқимизда қадимдан тарбияга жиддий эътибор қаратишган. Буни нафақат ота-оналик бурчи, балки ҳаётий эҳтиёж, миллат генофонди учун мажбурий зарурат деб билишган.

Бола тарбиясида жамоатчиликнинг ўрни юқори саналган. "Боланинг бегонаси бўлмайди", "Бир болага етти маҳалла ота-она", деган ақидалар вужудга келган. Ҳар бир бола бутун бошли маҳалла-кентнинг эътиборида дегани бу. Аждодларимиз бу борада ибрат воситасига катта аҳамият беришган. Яъни етук маънавий-маърифатли кишиларни назарда тутиб "Фалончига қарагин бирор ножўя ҳаракат қилмайди, сўз айтмайди", дейишади. Ёки "Фалончидай одам бўлгин", деб ният билдирганида ўша



инсонни нақадар ҳурмат қилгани, фарзандини ўшандай бўлишини истаганини ифодалайди. Шунингдек, қуш уясида кўрганини қилади, деган мақол ҳам бор. Бу ҳам бежизга айтилмаган. Нафақат ўзгалар, балки ўзимиз ҳам фарзандларимизга шахсий ибрат намунасини кўрсатмоғимиз лозим дегани бу.

Дунёқараши шаклланаётган, ақл-тафаккури ўсаётган бола кўз ўнгидаги воқеа-ҳодисаларни илғаётганда бор ҳақиқат деб, қабул қилади. Кейинчалик тасаввури ўзгарса-да, илк таассурот ўз изини йўқотмайди.

Ҳар бир ота-она фарзандлари бахтли бўлишини хоҳлайди. Бунинг учун фақат хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қилиши аён. Фарзанд тарбияси улуғ ва муқаддас вазифа. Ота-оналик бурчи муқаддас китобларда айтилгандай фарздир. Комил фарзандга ота-оналик юксак мартаба. Шунинг баробарида комил фарзанд тарбияси катта меҳнат талаб қиладиган масъулият эканлигини ҳам ҳар дақиқа унутмаслик лозим.

Боланинг ҳар томонлама шаклланиши жараёни асосан оила муҳитида кечади. Ота-она табиати, ўзаро оилавий муносабатлар аста-секин онгу-шуурида ўрнаша боради. Бора-бора ўзи яшаган яшаш тарзига кўникиши кузатилган. Тарбияда ота-онанинг ўрни катталигини яна бир жиҳат билан изоҳлаш мумкин. Аниқроқ айтганда, ота-онага қараб болага ва аксинча боланинг хулқ-атворига қараб ота-онага, оилага баҳо бериш мумкин.

Бу баҳо мезонлари яна ва яна ота-она номига бориб тақалаверади. Тарбия кишидан ҳамиша эътиборли бўлишни, қатъий ишонч билан аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатда бўлишни талаб этади.

**М.МАҚСУДОВА, Шофиркон тумани ФҲДЁ бўлими мудири**







## Ҳурматли юртдошлар!

# "Асака" банки (ОАЖ)



### Қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади:

**Миллий валютадаги омонат:**

**"ДАРОМАДЛИ-1".**
Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

**Хорижий валютадаги омонат:**

**"ЯНГИ ЙИЛ-2011" — АҚШ ДОЛЛАРИДА.**
Сақланиш муддати — 13 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

| | Филиаллар | коди | телефон рақами |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар | 371 | 120-83-13 |
| 2. | Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | 371 | 225-16-46 |
| 5. | Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| 9. | Фарҳод филиали | 374 | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| 20. | Афросиёб филиали | 366 | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | 367 | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**
**Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:**
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63**

***"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.

Малака комиссиясининг 2010 йил 24 декабрдаги 51-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги №234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "TEMUR ADVOKAT" адвокатлик бюроси адвокати Иминов Темур Мўминовичга 2009 йил 11 июнда берилган TN 000875 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2010 йил 29 декабрдан 2011 йил 29 мартга қадар — 3 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2010 йил 24 декабрдаги 51-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги №234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "YURINFORM EFFEKT" адвокатлик бюроси адвокати Ли Виталий Тимофеевичга 2009 йил 8 июнда берилган TN 000744 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2010 йил 29 декабрдан 2011 йил 29 мартга қадар — 3 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2010 йил 24 декабрдаги 51-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги №234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "BIZNES-ADVOKAT" адвокатлик бюроси адвокати Иванин Олег Михайловичга 2009 йил 29 июнда берилган TN 001113 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2010 йил 29 декабрдан 2011 йил 29 мартга қадар — 3 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2010 йил 24 декабрдаги 51-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги №234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADOLAT UCHUN OLG'A" адвокатлик фирмаси адвокати Рискулов Нормахаматга 2009 йил 23 июнда берилган TS 000286 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2010 йил 29 декабрдан 2011 йил 29 июнга қадар — 6 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2010 йил 24 декабрдаги 51-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги №234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HUQUQ HIMOYACHISI" адвокатлик фирмаси адвокати Рахматов Нематга 2009 йил 8 июнда берилган TN 000727 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2010 йил 29 декабрдан 2011 йил 29 июнга қадар — 6 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2010 йил 24 декабрдаги 51-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2010 йил 29 декабрдаги №234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "DE-YURE" адвокатлик бюроси адвокати Нормаматов Ғайрат Мухаммадиевичга 2009 йил 24 июнда берилган TN 001030 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2010 йил 29 декабрдан 2011 йил 1 мартга қадар — 2 ой муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг 2010 йил 30 ноябрдаги 21-сонли қарорига асосан Андижон шаҳар "FEMIDA PREMIUM" адвокатлик бюроси адвокати Рўзиматов Азизбек Шахобиддиновичга Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 9 июнда берилган AN-000142 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тикланди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси фахрий ҳуқуқшунос **Анатолий Макарович БЕЛОГЛАЗОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

**ИНСОН ва ҚОНУН**
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» НМИУ да чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-920. Тиражи — 21501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 4 5